




ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

1995 йил 17 май, чоршанба

№ 39 (10.715)

Эркин нархда сотилади.


ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

15 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Япония Молия вазирлигининг молия ва пул сиёсати институти президенти Эйсу-кэ Сакакибара бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва унинг дастлабки натижалари ҳақида сузлаб берди.

— Бизнинг бош мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини шакллантиришдир, — деди Ислон Каримов. — Шу боис ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бугун миллий валютаимизни янада мустаҳкамлаш, молия-кредит сиёсатининг янги тизимини такомиллаштириш йўлидан бормоқдамиз. Ушбу соҳадаги ҳамкорлигимиз ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлади, деб уйлайман.

Эйсу-кэ Сакакибара Япония тadbиркорларининг Ўзбекистон ҳукумати амалга ошираётган ислохотларга қизиқиши ортиб бораётганини таъкидлади. «Шу



боис биз Тошкентда молия ва пул сиёсати бўйича семинар ўтказишдан ташқари, тегишли вазирлик ва муассасалар вакиллари билан учрашиб, Япония томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига киритиладиган сармоялар ҳажминини ошириш имко-

ниятларини урганмоқдамиз», деди у.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари У. Султонов ва ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раиси Р. Азиев иштирок этди.

Қабул чоғида Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Укеру Магосаки ҳозир бўлди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.

Ф. ҚУРБОНБОВЕВ олган сурат.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

16 май куни Тошкентда Республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Уни Президент Ислон Каримов бошқарди. Мажлисда вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Вазирлар Маҳкамаси тармоқлари, вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, уюшмалар, бирлашмалар, банклар ва йирик корхоналар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда республика-мизда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бўйича 1995 йилнинг биринчи чораги дастурини амалга ошириш ва биринчи ярим йилликни муваффақиятли якунлаш, товарлар (ишлар, хизматлар) эксперти бўйича кузда тутилган ҳажмларнинг бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Республика Бош вазирининг биринчи уринбосари И. Журабеков, Бош вазир уринбосарлари Ю. Пайгин, В. Чжен, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси Б. Жуманиезов ана шу масалалар юзасидан ахборот бердилар.

Президент Ислон Каримов мажлисда нутқ сузлади.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Мажлисда Республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов қатнашди.

(ЎзА).

ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг таклифига биноан Покистон Ислон Республикаси Бош вазир Беназир Бхутто 22-23 май кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ ЭЪТИБОРДА

15 май куни Тошкентда «Марказий Осиёда иқтисодиётни ривожлантириш ва атроф муҳитни бошқариш» мавзусида халқаро семинар иш бошлади. Жаҳон банки ташкилотчилигида ўтказилаётган мазкур семинарда Марказий Осиё республикалари, Мугулистон ва япониялик мутахассислар ҳамда олимлар иштирок этмоқда.

Семинар қатнашчилари 10 кун мобайнида иқтисодий тараққиёт, экологик вазиятни яхшилаш, сув захираларидан унумли фойдаланиш, ердан фойдаланишда тирик табиатга зиён етказмаслик, sanoat чиқиндилари муаммоси ва ислохотларни амалга оширишда аҳолининг фаоллигини ошириш билан боғлиқ масалаларни атрофлича муҳокама этадилар.

(ЎзА).

• Туркистон — умумий уйимиз

ДИЙДОРЛАШУВ БАЙРАМИГА АЙЛАНАДИ

Шу йил 20 май куни Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари бошланади. Деярли бир ҳафта мобайнида қозоқ биродарларимиз истиқлолнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон эришган ютуқлардан, қадам-бақадам амалга оширилаётган иқтисодий ва маданий ўзгаришлардан янада кенгрок воқиф бўладилар. Мазкур тadbирни тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳи раҳбари, республика маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Б. Абдурахимов билан ана шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Баҳодир ака, Қозоғистонда

ўтадиган Ўзбекистон Республикаси кунларига тайёргарлик ҳусусида гапириб берсангиз.

— Утган йили мамлакатимизда қозоқ дўстларимиз меҳмон бўлиб, қўшни мамлакатнинг бугуни ва порлоқ эртаси ҳақидаги тасаввуримизни бойитишган, ажойиб санъатларини намойиш этиб, дилларимизни хушнуд қилган эдилар. Шу маънода, бизнинг қарийб 500 киши қатнашадиган бу галги сафаримизни жавоб ташрифи дейиш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, бу тadbир аввалги маданият ва санъат декаларидан узининг бой ва рангбаранглиги билан фарқ қилади. Зотан, биз Ўзбекистоннинг нафақат теран маданияти ва санъатини, балки, фан, иқ-

тисодиёт соҳаларида қўлга киритаётган дастлабки ютуқларини, мавжуд муаммолар қандай ҳал этилаётганини, бунда хорижий давлатлар билан боғланаётган ҳар томонлама тенг алоқалар, аввало, Марказий Осиё давлатларининг узаро ҳамкорлиги, халқларимиз дилида зухур бўлган тарихий бирлик, яқдиллик туйғуси нечоғли муҳим урин тутишини ҳам намойиш этамиз. Мазкур тadbирга тайёргарлик ҳам албатта олдимизда турган вазифа — ана шу эзгу мақсадга яраша бўлди. Бу жараёнда қозоқ дўстларимиз билан бақамти, елкама-елка ишладик. Зеро, кунлар икки мамлакат халқларининг биродарлик байрамига айланиб кетади.

(Давоми 7-бетда).

Ғалла
мустақиллиги
учун

Вилоят ҳокимлиги 1995 йил ғалла ҳосилини қисқа муддатларда ўриб-йиғиб олиш юзасидан меҳнат мусобақасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

БУ ЙИЛ вилоятимиз ғаллакорлари олдида катта вазифалар турипти. Мавсумда 310 минг тонна ғалла ҳосили олиниши ва ундан 150 минг тоннаси давлатга топширилиши керак. Ғаллазорларимизда яхши ҳосил етиштирилди. Ғалдаги энг муҳим вазифа ғалла урим-йиғимини қисқа муддатларда ғоят уюшқоқлик билан ўтказиш, даладаги дон ҳосилини нобуд қилмай ўриб-йиғиб олишдан иборатдир.

Вилоят ҳокимлиги ғаллакор-

ларимиз олдида турган ана шу муҳим вазифаларни назарда тутиб, 1995 йил ғалла ҳосилини қисқа муддатларда, нес-нобуд қилмай ўриб-янчиб олиш юзасидан меҳнат мусобақасини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Унда, жумладан, ғалла урим-йиғими билан боғлиқ барча туман ҳокимликлари, ҳамма турдаги мулкчилик хужалиқларининг раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

Қарорда ғалла урим-йиғими суръатларини тезлаштириш

мақсадида туманлар, жамоа хужалиқлари ва ғалла урим-йиғимида қатнашаётган комбайнчилар, механизаторлар ўртасида меҳнат мусобақасини ташкил этиш ва ғолибларни муносиб рағбатлантириб бориш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида ўқтирилди.

Туманлар ўртасидаги меҳнат мусобақасини ташкил этиш ва якунлаш вазифаси вилоят ҳокимлиги бўлимлари, вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси ва вилоят деҳқончилик-саноат мажмуи касаба уюшмаси қўмитаси зиммасига юклатилди.

Меҳнат мусобақасига ҳар беш кунда якун ясаб борилади. Ғолибларни рағбатлантириш учун 120 минг сўм маблағ

ажратилди. Меҳнат мусобақаси 10 июндан то 30 июнгача давом этиб, ҳар беш кунликда ғолиб чиққан туманларга қуйидаги мукофотлар топширилади:

Биринчи ўрин — 15 минг сўм;

Иккинчи ўрин — 10 минг сўм;

Учинчи ўрин — 3 минг сўм.

Булардан ташқари ғолиб комбайнчилар ва ғалла урим-йиғимининг бошқа илгорларини тақдирлаш учун вилоят касаба уюшмалари кенгаши, вилоят деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси томонидан бепул йўлланмалар ажратилди.

ҒОЛИБЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНАДИ

ОРЗИҚИБ қутилган кун тонги сокин ва мусаффо бўлди. Карнай-сурнайлар садоси, оромбахш куй-қушиқлар Чирчиқ узра баралла янгради. Шаҳарда катта туй шу тарзда бошланди. Кучалар, истироҳат боғлари, хиебонлар турли миллат вакиллари билан бирорат чирчиқлик меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари, меҳмонлар билан гавжум эди.

Дарҳақиқат, республика-миз Президенти Илҳом Каримовнинг шаҳар меҳнаткашларига йуллаган табрикатилида таъкидланганидек, утган вақт мобайнида «Чирчиқ» — мустақил мамлакатимиз халқлари ўртасида чинакам дўстлик, аҳиллик ва уюшқоқлик, она-Ватанга садоқат ва фидойилик рамзи...га айлан-ди. Шаҳар жуда кўп соҳалар-да биринчи бўлиб иш бош-лаганлиги билан ҳам эъти-борга лойиқдир. Марказий Осиёда биринчи бор гидро-электростанциялар каскадини бунёд этган, биринчи бўлиб республика қишлоқ ҳужали-гини минерал ўғит билан таъминлаган, Тошкент вилоя-тида биринчи бўлиб замона-вий шаҳар қурган чирчиқлик меҳнаткашлар ишлаб чиқа-

корхоналар Ўзбекистон халқ ҳужалигининг нефтни қайта иш-лаш, автомобиль, олтин қазиб олиш, озиқ-овқат саноати би-лан боғлиқ тармоқларда исло-ҳатларни изчил амалга оши-ришга салмоқли улуш қўша-тирлар. Чирчиқда, айниқса, халқ истеъмол молларини қў-пайтиришга эътибор ортиб бо-раёттир. Бу ерда илм-фан муас-сасалари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари самарали фао-лият қўрсатмоқдалар.

Утган шанба кuni шаҳарни-нг 60 йиллиги муносабати би-лан бўлиб утган тантанали йи-ғилишда бу мисоллар тилга олинди.

Кимёгарлар маданият са-ройида қўтлуг байрамга бағиш-ланган ушбу йиғилишни шаҳар ҳокими Д. Азизхўжаев очди.

Шаҳарни бунёд этишда иш-тирок этган фахрийлар, фаол-лар, саноат корхоналари, тап-



НАВҚИРОН ШАҲАР БАЙРАМИ

13 май кuni Чирчиқ шаҳри ташкил этилганлигининг 60 йиллиги кент нишонланди



раётган маҳсулотларга бугун-ги кунда Россия, Украинада, бошқа чет эл мамлакатлари-да ҳам эҳтиёж катта. Айниқ-са, трансформатор ҳиссадор-лик жамиятининг кучланиш-ли трансформаторлари, ёр-дамчи станциялар жамлама-си жаҳон андозалари талаб-лари даражасида эканлиги ту-файли харидорлари ортиб бормоқда. Шаҳардаги йирик

килотлар ва муассасалар вакил-лари, республика турли ташки-лотлари, Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри, Қозоғистонни-нг биродарлашган Чимкент шаҳридан келган меҳмонлар қатнашган бу йиғилишда рес-публика Президентининг дав-лат маслаҳатчиси Т. А. Алимов Президент И. А. Каримовнинг Чирчиқ шаҳри меҳнаткашлари-га табригини ўқиб эшиттирди.

Йиғилиш иштирокчилари ў-ларининг мустақил республика-мизни равақ топтириш йули-даги меҳнатларига юртбошимиз юксак баҳо берганлигидан дил-ларида мамнунлик ҳисси уйғон-ди, она шаҳарларига ифтиҳор туйғуси жўшди.

Шундан сўнг «Чирчиқ шаҳ-рининг 60 йиллик меҳнат йу-ли» ҳақида шаҳар ҳокими Д. Азизхўжаев маъруза қилди. У

ўз нутқида шаҳарнинг ўтмиши ва бугунги кuni ҳақида гапи-рар экан. Чирчиқни йирик са-ноат шаҳрига айлантиришда турли миллат фарзандларидан иборат катта оиланинг уюш-қоқлиги, меҳнатсеварлиги му-ҳим аҳамият касб этганлигини таъкидлади.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов чирчиқликларни қў-лаб нутқ сузлади. Нотиқ ша-ҳар меҳнаткашлари фаолиятла-рини бугунги кун талаблари асосида юргизаётганликлари, шу боис бу ердаги қатор кор-хоналарда ишлаб чиқарилаёт-ган маҳсулотлар хорижий мам-лакатларда ҳам манзур бўлаёт-ганлигини таъкидлади. Айниқ-са, шаҳарда кейинги йиллар ичида саноатда ҳамда уй-руз-горда қўлланиладиган электр буюмлари ишлаб чиқариш си-фати ортганлигини қайд қил-ди.

Чирчиқ шаҳар меҳнаткашла-ридан бир гуруҳини мукофот-лаш туғрисида республика-миз Президентининг фармони ўқиб эшиттирилади. Тантана ишти-рокчилари хушхабарни сами-мий олқишлар билан қўтиб ол-дилар. Республика Бош вази-ри тақдирланганларга мукофот-ларни топширар экан, уларга

ишларида зафарлар, оила-ларига бахт-саодат тилади. Тантанали йиғилишда ви-лоят ҳокими Э. М. Рузиев сузга чикди.

— Чирчиқда иқтисодий тамойиллар асосида барака-ли ишлар қилинаётганлиги билан биргаликда, — деди у, — маънавиятни ривожланти-риш, инсон қадр-қимматини тобора ошириб боришга эътибор кучаймоқда.

Шаҳар аҳлида мустақил мамлакатимизга муҳаббат ва садоқат руҳи, унинг камоли йулида сидқидилдан меҳнат қилиш руҳи кучли ва бу руҳ уларнинг амалий ишларида ўз ифодасини топмоқда.

Вилоят меҳнаткашлари номидан Чирчиқ аҳлига таб-рик хати ва эсдалик совғаси топширилди.

Тантанали йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимининг муовини Б. Хўжаев, биродар-лашган Чимкент шаҳри маъмурияти раҳбари С. Бел-гибоев, Тошкент вилояти ту-манлари ҳокимлари номидан А. Йўлчиев ҳамда шаҳар мак-таблари ўқувчилари, боғча-лар тарбияланувчилари ҳам чирчиқликларни самимий қўтладилар.

Шу кuni эрта тонгдан ша-ҳар истироҳат боғи, Алишер Навоий номли майдон, Бо-бур номли хиебон ва бошқа оромгоҳларда бошланган ом-мавий сайиллар кеч оқшом-гача давом этди.

Республика санъат устала-ри билан бирга Паркент, Ўр-тачирчиқ, Юқоричирчиқ, Қибрай, Тошкент, Бўстон-лиқ туманлари маданий муассасалари бадий ҳавас-корлари ҳамда шаҳар бадий жамоалари тайёрлаган ранг-баранг дастурлар асосида тур-ли жойларда аҳолига сермаз-мун концертлар, театрлашти-рилган курсатувлар намоиш этилди.


Шаҳар меҳнаткашларига катта айёмда «Чирчиқсавдо», «Чирчиқтаом» ҳиссадорлик жамиятлари қўрсатган хиз-мат ҳам эътиборга лойиқ бўлди.

С. ҲАСАНОВ.

• Суратларда: байрам тантаналари ва меҳнат жамоалари фаолиятидан лавҳалар.

Д. АҲМАД ва Г. КАЗЕННОВ сурати.





СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ, УЧУН!

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ҲАММАСИ — ИНСОН УЧУН

Вилоятимизда экология икки ойлиги давом
этномқда

ТАБИАТ қанчалик сахий, нақадар гузал. У инсон учун, унинг фаровон ҳаёти ва бахт-саодати учун яратилган. Шундай экан, уни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга асл ҳолича етказиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи, ҳар бир давлатнинг олдида турган долзарб вазифадир.

Республикаимизда, айниқса, кейинги йилларда бу масалага катта эътибор билан қаралмоқда. Хусусан, утган йили халқаро «Экосан» ва республика «Маҳалла» хайрия жамғармалари, Уздавлаттелерадиокомпанияси ҳамда «Халқ сузи» — «Народное слово» газеталари ҳамкорликда «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» курик-танловини ўтказдилар. Маълумки, бу курик-танловнинг иккинчи босқичи якунларига кура вилоятимизнинг Бекобод тумани биринчи уринни эгаллаган бўлса, учинчи якунловчи босқичдаги вилоятлараро танловда эса Тошкент вилояти ғолиб деб топилди.

Мазкур курик-танловни бу йил ҳам давом эттиришга қарор қилинди. Албатта, вилоятимиз, шунингдек, барча шаҳарлар ва туманлар, маҳаллалар бунда фаол қатнашдилар. Утган йилги ютуқларимизни янада мустаҳкамлаш, вилоятимиз ҳудудида экологик вазиятни юмшатиш ва вилоят аҳолисининг соғлом турмуш тарзини таъминлашга қаратилган қўллаб-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилди. «Экосан» жамғармасининг вилоят бўлими, унинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари ва фаоллари бу хайрли тадбирдан четда қолмайдилар.

Вилоят ҳокимининг 1995 йил 24 январда «Экосан» жамғармаси вилоят бўлимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳақидаги қарори ва шу йил 18 февраль куни бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида «Экосан» фаолиятини яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг атрофлича муҳокама қили-

ниши бўлимининг кенг қамровли ишларига қатта туртки бўлди.

Ҳозир вилоятимизда экология икки ойлиги давом этмоқда. Дурмон қишлоғида ҳокимлик томонидан уюштирилган умумхалқ ободончилик ишларида фаол қатнашган, ўз қишлоқларини саранжом-саришта ва обод маҳаллага айлантириш учун фидойилик курсатган маҳалла аҳлини рағбатлантириш мақсадида «Экосан» республика жамғармаси 300 минг сумлик, вилоят бўлими 5 минг сумлик дори-дармон, тиббий жиҳозлар, сув тозалаш ускуналари Навруз байрами арафасида дурмонликларга совға қилинди. Бу ишларнинг рубёга чиқишида «Экосан» жамғармаси фахрийлар уюшмаси раиси Иброҳим Раҳимов, Қибрай тумани фахрийлар кенгаши раиси Жура Хоназаров ҳамда «Қибрай» боғдорчилик-узумчилик-ка ихтисослашган жамоа ҳужалигининг экологлари алоҳида хизмат курсатганликларини таъкидлаш лозим.

Бу йилги ободончилик ва қўламазорлаштириш ойларида вилоятимизда кучат экиш, айниқса, теракзорларни қўлайиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, теракзорнинг сувларни тозалаш, транспорт воситаларидан чиқадиган заҳарли газларни тутиб қолишда ҳам фойдаси каттадир.

Ҳозирги кунда Тошкент вилояти ҳокимлиги ва «Экосан» жамғармаси вилоят бўлимининг ташаббуси билан, асосан, Тошкент — Чиноз шоҳ-қучаси бўйлаб экилган теракзор кукариб турибди. Яқин кунларда ушбу теракзорлар рўйхатга олиниб, энг қўл ва сифатли кучат эккан ҳамда кўкартирган теракзор эгаларига пул мукофотлари ажратиш ҳақида курик-танлов шартлари белгиланади. Жамғармаимиз Янгийул туманидаги «Озод» жамоа ҳужалиги ҳудудидан ажратиб берилган 2,5 гектар майдонда халқаро аҳамиятдаги «Экология боғи» барпо этишга киришди. Мазкур боққа минг туп мевали дарахт кучатлари,

минг туп атиргул ва минг тупдан ортиқ терак қаламчалари ўтказиб қўйилди ва уларни парвариш қилишга киришилди.

Давом этаётган ободончилик икки ойлигида Янгийул шаҳри ва Тошкент тумани меҳнатқашларининг фаол қатнашаётганликларини, бу ерда ишлар намунали йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунончи, Янгийул шаҳридаги ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти жамоасининг ободончилик борасидаги ишларидан ур-нак олса арзийди. Бунга яқинда бўлиб ўтган республика семинар-кенгаши қатнашчиларининг ўзлари ҳам гувоҳ бўлдилар. Ушбу семинар республика озиқ-овқат концерни, озиқ-овқат саноати ходимлари касба уюшмаси марказий қўмитаси, Меҳнат вазирлиги ва «Экосан» жамғармаси томонидан уюштирилган бўлиб, мамлакатимиз озиқ-овқат ва ёғ-мой саноати корхоналарида ишчи-хизматчилар учун қўлай экологик муҳит, техника ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш эвазига тармоқ ишчиларининг саломатлигини яхшилашга бағишланган эди.

Ғалабанинг 50 йиллиги шарафига вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда Оҳангарон туманида ажратилган 10 гектарлик «Хотира боғи»ни барпо этиш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик. Оққўрғон туманидаги шон-шараф тепалигини тартибга келтириш ва унинг атрофидаги 1,5 гектар майдонда дарахт кучатлари экиш ишларини «Экосан» жамғармаси Оққўрғон тумани бўлими ўз ҳомийлигига олди ва ишларни охирига етказди. Келгусида экологик вазият оғир бўлган Пискент — Олмалик ҳудудига «Экосан» автокарвонини юбориш, мазкур ҳудуд аҳолисининг тоза ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини ўраниш ва бу муаммони ҳал этишга чет эллик мутахассисларни жалб этиш, амалий ёрдам курсатиш белгиланган.

Жамғарманинг вилоят бўлими ва унинг жойлардаги ташкилотлари инсон саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи, табиат музаффолигини таъминлашга ёрдам берувчи бошқа тадбирларни ҳам амалга оширишни режалаштирган. Асосий вазифамиз шундан иборат бўлганидан кейин уни бажариш учун мавжуд имкониятларни тулиқ ишга соламыз, барча омилларни сафарбар этамыз.

А. АБДУХОЛИҚОВ.
халқаро «Экосан» жамғармаси вилоят бўлими директори.

128,5 МИНГ СЎМ УНДИРИБ ОЛИНДИ

ЯҚИНДА Тошкент вилояти ҳужалик судида республика табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўсимлик ва ҳайвонот дунесини, қуриқхоналарни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш республика нозирлигининг «Аксюз ҳолдинг» ҳиссадорлик жамиятига нисбатан даъво си қўриб чиқилди. Урганилган ҳужжатлардан маълум бўлишича, ҳиссадорлик жамияти мутасадди идоралардан ҳеч қандай рухсат олмасдан, ўзбошимчилик билан табиати-мизга зарар келтириш билан шугулланган. У Ўзбекистон Қизил китобида киритилган, табиатда жуда озмиқдорда учрайдиган беҳ иллизини рухсатсиз қазиб олган. Қонунга мувофиқ Қизил китобга киритилган барча ҳайвонлар ва ўсимликларни овлаш ёки йиғиб олиш мумкин эмас.

Иш қўриш жараёнида даъво ҳақли ва асосли деб топилди. Тайёрланган барча ҳужжатлар пўндан далолат берди. Айбдор ҳам далиллар олдида ўз гуноҳини бўйнига олишга мажбур бўлди. Келтирилган зарар эса 128 минг 565 сумни ташкил этган эди. Ҳужалик суди қарори билан бу зарар ҳиссадорлик жамиятидан тўла ундириб олинди.

А. МУҲАММАДЖОНОВ.
вилоят ҳужалик суди раисининг ўринбосари.

АМЕРИКАНИ КИМ ОЧГАН?

• ҚОМУСИЙ олимимиз Абу Райҳон Беруний бундан минг йилдан ошиқроқ илгари Америка қитъаси борлигини илмий-назарий жиҳатдан асослаб берган эди. Бу қитъанинг амалий кашф этилишида эса турли фикрлар мавжуд. Ҳар бир мактаб талабаси Американи машҳур сайёх Христофор Колумб 1492 йилда очганилигини уқиган. Шу йилнинг 12 октябрида Сан-Сальвадор қирғоқларига етган ва шу кун қитъанинг расмий кашф этилиши деб ҳисобланади. Бирок, бошқа маълумотлар ҳам йўқ эмас.

Чунончи, норвегиялик денгизчи Лейв Эрикссон эрамининг 1000 йилида 35 кишилик қомандаси бўлган кемада Шимолий Америка қирғоқларига етган, ҳисобланади. Ўзи қирғоққа тушган жойда қатор аҳоли манзилгоҳлари барпо этган. Бу манзилгоҳлар ҳозирги Нью-Йорк шаҳри яқинида бўлган. Денгизчилар икки нафар маҳаллий одамни чуқинтирганлар ва норвеж тилига ўргатиш учун бирга олиб кетганлар. Ҳозирги вақтда ҳам Массачусетс штатида Черли дарёси қирғоқларида Эрикссон қўрган қурилишларнинг харобалари бор.

Қадимги Хитой йилномаларида эса эрамининг 500-йилида Шимолий Хитойдан бўлган роҳиб Ху Шин Америка қитъасида биринчи бор бўлган, деб ёзилган. Тўғри, бу ҳақда батафсил ёзишмайди. Америкада нашр этиладиган «Нью-Йорк таймс» газетаси шулар ҳақида хабар берган.

К. ҚУРБОНОВ.

АНЖОМЛАРИ МУСОДАРА ҚИЛИНДИ

Қонунсиз балиқ овлаш билан шугулланган кимсалар ўзларини оқлашга, қонун-қоидалардан хабардор эмасликларини руқач қилишга уриниб қўришди. Пеккин назоратчилар бўш келмадилар

лар ҳам куздан кечирилди. Натижада қатор номаъқулчиликлар аниқланди ва уларнинг айбдорларига нисбатан тегишли жазо чоралари қўрилди.

«Оққўрғон» давлат ҳужалиги ишчиларидан В. Эшбеков, С. Талабоев, А.А. хмантов, З. Бойсуновлар Сирдарёга тур ташлаб, балиқ овлаётган вақтда қўлга тушдилар. Тартибга мувофиқ бундай қилиш умуман мумкин эмас, қонунчиликда ман қилинган. Балиқ тутиш мумкин, лекин бунинг учун фақат қармоқлардан фойдаланишга рухсат берилади. Бунинг устига баҳор фаслида бундай ов билан шугулланиш мумкин эмас. Чунки балиқлар бундай вақтларда увил-

дирик ташлайди. Балиқларни тутиш эса уларнинг қўлайишига жуда катта зарар келтиради. Агар ҳозирги вақтда сув ҳа-заларимизда умуман балиқларнинг камайиб кетаётганлиги ҳисобга олинса бунга асло йўл қўйиш мумкин эмас.

Қонунсиз балиқ овлаш билан шугулланган кимсалар ўзларини оқлашга, қонун-қоидалардан хабардор эмасликларини руқач қилишга уриниб қўришди. Лекин назоратчилар бўш келмадилар. Шундоқ ҳам уларнинг бундай нотмақул иш билан бошқа вақтларда ҳам шугулланганликлари билиниб турарди.

Шуни ҳисобга олиб айбдорларга

нисбатан жарима солинди. Бунинг устига уларнинг ов анжомлари, қайиқлари ва турлари мусодара қилинди.

Куйичирик туманида истиқомат қилувчи А.Беков эса ҳеч қандай рухсат олмасдан урдак овлаш билан шугулланаётганда ушланди. Унга нисбатан ҳам тегишли чора қўрилди. Ов милтиги мусодара қилинди.

Уйлаймизки, бу қўрилган чоралар уларнинг қўзини очса керак. Акс ҳолда яна таъқиқланган шундай ишлар билан шугулланадиган бўлишса уларга нисбатан кескин чоралар қўрилиши, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортиш мумкин.



• УСИМЛИКЛАРДАН ШИФОБАХШ ИЧИМЛИКЛАР

«ТАБИАТ ДЎСТЛАРИ»НИНГ СИРТҚИ КЛУБИ

ВИЛОЯТИМИЗ республика бўйича ўтказилган «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» кўрик-танловида ғолиб чиқди.

Бу ҳаммамиз учун қувончли бир ҳолдир. Лекин ҳали экология соҳасида қиладиган ишларимиз ниҳоятда кўп. Табиатни муҳофаза қилишни янада кенгайтиришимиз, самарадорлигини оширишимиз лозим. Бунга эса осонликча эришиб бўлмайди. Вилоятимизда яшовчи ҳар бир аҳоли табиатни муҳофаза қилиш учун, демак, сувни, ерни, усимликларни, ҳавони, жониворлару паррандаларни асраб-авайлаш ҳақида қайғурсагина бунга эришиш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳар биримиз табиатнинг ҳақиқий дўсти, ҳимоячиси бўлишимиз зарур.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» виллоят газеталари таҳририятлари кўпчилик табиат ошқларининг хоҳиш-иродаларини инобатга олиб, узлари чоп этаётган «Табиат ва инсон» махсус саҳифаларида «Табиат дўстлари» сиртқи клубини очишга қарор қилдилар. Биз бу клубда барча газетхонларни ёшидан, лавозимидан, машғулоти тарзидан қатъий назар фаол қатнашишга таклиф этамиз.

Сиз, ўзингизнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятингиз, ҳайвонлар, паррандалар, усимликлар дунёси устидан олиб борган кузатишларингиз, табиатга зарар келтирувчи ҳатти-ҳаракатлар ҳақида хабарлар билан қатнашишингиз, атроф-муҳит табиатини янада яхшилаш учун нималар қилиш, қандай масалаларга кўпроқ эътибор бериш лозимлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингиз ва таклифларингиз билан қатнашишингиз мумкин.

Бундан ташқари, Сиз табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган турли хил саволлар билан мурожаат этишингиз мумкин. Биз уларга баҳоли қудрат жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Бу ишга табиатни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини, мутахассисларни, олимларни, виллоят «Экосан» жамғармаси бўлими ходимларини жалб қиламиз. Сизнинг фикр-мулоҳазаларингиз ва таклифларингиз табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган кўпгина муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бериши мумкин. Энг қимматли таклифлар, қизиқарли, муҳим масалалар кутарилган хат-хабарлар газеталар саҳифаларида эълон қилинади.

Маълумки, Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги тантанали нишонланди. Шу муносабат билан виллоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ташаббуси бўйича Оҳангарон ва Олмалик ҳудудлари чегарасида жойлашган янги Тошкент шаҳар қабристонидан қатор кулмзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш назарда тутилган. Бу қабристонда уруш, меҳнат фронти кўпгина иштирокчиларининг хоки ётипти. Биз меҳнат жамоалари, ташкилотлар, қўшма корхоналар, ширкатлар, умуман виллоятимизнинг барча аҳолисини ана шу хайрли ишда фаол қатнашишга чақирамиз. Ўз таклифларингизни Буюк ишак йўли кучаси 235-уй манзилгоҳ бўйича Тошкент виллоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига юборишингизни илтимос қиламиз. Ўйлаймизки, бу хайрли ишда фаол иштирок этасизлар.

ПЕШТОҚИГА лотинча алифбода йирик ҳарфлар билан «Дорихона» деб ёзилган қўшқаватли бино Чиноз шаҳрининг кўрқига кўрк қўшиб турибди. Унинг сиртини кўриб бир қувонсангиз, ичига кириб қувончингиз чандон ортади. Бу ерда ишлатган йиғитлару лобар қиз-жувонлар хизмати, дори-дармонларнинг сероблиги кўнглингизни бир қадар тинчлантиради.

Хизмати элга манзур бўлаётган ушбу дорихона жамоасининг етакчиси Баҳодир Рустамов бундан бир неча ой муқаддам «Яқин кўнлар ичида дорихона қўшқаватли фитобар ҳам очамиз» деб ваъда берганди. Баҳодир ваъдасининг устидан чиқди.

У дастлаб Куйичирчиқ туманидаги «Ландиш» ва ўрмон хўжалигига қарашли «Шифобахш» фирмалари билан шартнома тузди. Улар шартномага асосан дорихонага Ўзбекистон иқлими шарт

роитида усадиган турли хил дори-вор, шифобахш гиёҳларни юбора бошладилар.

Яқинда ана шу фитобар ишга тушди. У очилган кундан бошлаб 30 хилдан зиёд дори-вор гиёҳлардан ҳар хил қайнатмалар,

ҳоятда зарур бўлган дармон-дорилар бор. Улар кишиларнинг ҳаёт маромига изга туширишда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг ҳисобга олган фитобар ҳодимлари гиёҳлардан ичимликлар тайёрлаш жараёнида махсус қул-

лук. Энг муҳими баҳоси арзон, — дейди Б. Рустамов.

Ҳақ гап. Халқ табиати замонавий тиббиёт билан чамбарчас боғланиб, бир-бирини тулдиради, бир-бирини бойитиб, бири иккинчисига уриндошлик вазифасини утайди.

Кези келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур жамоанинг ўзи ҳам дори-вор гиёҳлар йиғиш бўйича етарли тажриба тушлаган.

Ҳадемай бу ерга Японияда ишлаб чиқарилган махсус асбоб-ускуналар олиб келиниши ва урнатилиши кузда тутилмоқда. Бу мосламалар ишга туширилса, турли хил дармондорили музқаймоқлар, шифобахш коктейллар, килородга тўйинган махсус ичимликлар тайёрланади. Бу эса дармондориларнинг дардига яна бир малҳам бўлади.

Дорихона мулкчилик шаклини ўзгартириб, «Нафис» акционерлик жамиятига айлантирилди. Айни пайтда виллоят доридармон акционерлик бирлашмаси қўшқаватли «Рустам» кичик корхонаси ташкил этилиб, Чинозда фаолият курсата бошлади.

Бу билан тадбиркорлик, ишбилармонликка кенг йўл очилди.

Айни кўнларда «Нафис» акционерлик жамияти чет эллик ва МДХдаги 20 та фирма билан мустаҳкам алоқа урнатган.

О. МАЪМУРОВ.

Суратда: Фитобар ходимлари Д. Устабобоева (чапдан), М. Иброҳимова ва Г. Ариқуповалар мижозларни доим очик чехра билан кўтиб олади.

Суратда: А. РАҲИМОВ.

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги, Беруний номидаги Тошкент давлат техника дорилфунуни, Чирчиқ муҳандислик-техника маркази ва Чирчиқ ҳокимлиги шаҳарнинг 60 йиллигига бағишлаб «Фан, ишлаб чиқариш ва экология» деган мавзуда IV шаҳар конференциясини ўтказди.

Шаҳар йирик саноат маркази ҳисобланади. Айни вақтда у мураккаб экологик вазиятга ҳам эгадир. Кейинги йилларда ишлаб чиқариш жамоалари, экологлар, олимлар ва бошқа мутахассисларнинг биргаликдаги куч-тайрати билан табиатни муҳофаза қилишнинг самарали чора-тадбирлари кенг амалга оширилмоқда. Бунинг учун ҳар йили кўплаб маблағ сарфланапти.

Лекин, шунга қарамай шаҳардаги экологик вазиятни ҳали ҳам қониқарли деб бўлмайди. Ундаги саноат ва автотранспорт корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва қатор муассасалари ҳамон атроф муҳитни кўп миқдорда зарарли чиқиндилар билан ифлос қилмоқда. Шунинг учун ҳам конференцияда фан, ишлаб чиқариш ҳамкорлигини кучайтириш, айни вақтда табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш масалалари ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Республика «Махсус қотишма» концернининг раҳбари П. С. Махсудов ўз маърузасида кон-металлургия ва рангли металлургия саноатида табиий ва техноген ресурсларидан фойдаланишнинг аҳволини таҳлил қилар экан, шуни таъкидладикки, ишлаб чиқаришнинг ташкил этишнинг илгариги шароитлари хом ашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан са-

марали фойдаланиш имконини бермади. Бунинг учун технология ишлаб чиқилмаган эди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг хом ашё ресурслари ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тула ва мажмуий фойдаланишга эътибор кучайди ва бу фаолиятимизнинг бош йўналишлардан бири бўлиб қолди. Республикаимизнинг табиий бойлиги ниҳоятда катта ва хилма-хилдир. Бу соҳада унга ҳеч бир қўшни давлат яқин келолмайди. Айни вақтда ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлатиш йўлга қўйиш айрим маҳсулот турларини тайёрлашни бир неча баровар қўпайтириш имконини беради. Чиқиндилардан фойдаланиш эса ўз навбатида атроф-муҳит мусавволигини яхшилашга ёрдам беради.

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металл комбинатининг директори Э. Пирматов корхонада янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, илгор технологияни жорий қилиш ҳамда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ишлар ҳақида батафсил тўхталди. Комбинат экологик муаммоларни ҳал қилишда илмий муассасалар билан ҳамкорлик қилмоқда. У Чирчиқда экологик марказ барпо этиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлади.

Тошкент техника дорилфунунининг профессори, фан доктори В. И. Левш азот оксидини ушлаб қолиш ҳамда ундан фойдаланиш учун зарур бўлган кимёвий машиналар ҳамда ашпаратларни тезроқ жорий қилиш муҳимлиги ҳақида гапирди. Ҳозирги вақтда яратилган бундай қурилма аммиак бугининг 99,5 фоизини ушлаб қолиш имконини

беради. У фан намоёндалари билан корхоналар жамоалари уртасидаги ҳамкорлик ҳар соҳада кенгайиб бораётганлигини ва бу бошқа соҳалар қатори экологик вазиятни соғломлаштиришга салмоқли ёрдам бераётганлигини айтди.

Тошкент виллоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси Т. Эргашев виллоятда, шу жумладан, Чирчиқ ҳудудида таркиб тошган экологик вазиятни тавсифлаб берди.

Олимлар, ишлаб чиқарувчилар ва экологлар 6 та шўъбага бўлиниб биргаликда фикр алмашдилар. Уларга йирик олимлар раҳбарлик қилишди. Бу шўъбаларнинг иши самарали бўлди.

Конференция қатнашчилари пойтахт экологларининг республикада фан тавсия этган ҳамда ишлаб чиқаришда синоддан утган илмий таклифлар, ишланмалар, лойиҳаларни жорий қилишни мувофиқлаштириш ҳамда бу соҳадаги тажрибани умумлаштириш бўйича ягона марказ, шунингдек, бу мақсадларда ягона тажриба-синов базаси, табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш учун зарур бўлган ностандарт чанг-газ ушлаб қолувчи асбоб-ускуналар заводи ҳамда шундай объектлар қурилиши билан шугullanувчи бинокорлик трести барпо этиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватладилар.

Конференция қатнашчиларининг маъруза ва нутқлари иккита рисолада умумлаштирилди ва нашр этилди. Ҳеч шўъба йўқки, конференция материаллари республикамизнинг барча виллоятларида экологик аҳволни яхшилашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.



• ФОЙДАЛИ ҲАШАРОТЛАРНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

ТРИХОГРАММА, БРОКОН...

СУНГИ йилларда, қишлоқ хужалиги, айниқса, унинг етакчи тармоғи ҳисобланган пахтачиликда турли кимёвий моддалар — минерал ўғитлари, зараркундаларга қарши курашда заҳарли химикатлардан фойдаланишни кескин камайитириш учун кураш бормоқда. Бу — давр талаби бўлиб қолди. Чунки, экин майдонлари, тупроқлар турли хил зарарли моддалар билан шу қадар тўйиндики, унинг олдини олмаслик ёмон оқибатларга олиб келиши аниқ бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам қишлоқ хужалик экинларига ишлов беришнинг зарарсиз усуллари тинимсиз изланмоқда.

Улардан бири эса амалий тажрибада узини тула оқлаган биологик усуллар. Деҳқончиликда у яхши самара бермоқда. Экинлар зараркундаларига қарши курашда юксак натижага эришишни таъминламоқда. Бунинг бизнинг Бекобод тумани хужаликларида биология фабрикаси фаолияти мисолида ҳам аққол куриш мумкин.

Дастлаб у оддий лаборатория сифатида барпо этилган эди. Қуввати ҳам кам эди. Қишлоқ хужалигининг турли зараркундаларига қарши кураш учун оз миқдордаги фойдали ҳашаротларни етиштириб берарди. Бу биологик усулни қўлланганлар дастлаб унинг самарасига ишонқирамай турдилар. Бироқ у ишлатилган экин майдонларида заҳарли ҳашаротларнинг саксон-тўқсон фоизи қирилиб кетган эди. Кимёвий заҳарли моддаларни уларга қарши сепиш ва пуркашга ҳолат ҳам қолмаган эди.

Шундай қилиб бу усулнинг доври тез ёйилди. Унга талабгорлар кўпайгандан кўпайиб бораверди. Натижада орандан кўп ўтмай лаборатория фабрикага айланди.

Унинг ишлаб чиқариш қуввати бир неча барабар оширилди. Бунинг учун махсус мосламалар ўрнатилди, янги жиҳозлар харид қилинди. Мутахассислар билан мустаҳкамланди.

Ҳозирги вақтда фабрикада қишлоқ хужалик экинлари, биринчи навбатда пахта зараркундаларига қирон келтирадиган трихограмма ва брокон етиштирилмоқда. Бу иш билан ихтисослашган учта цех жамоаси шугулланмоқда. Улар буюртмалар асосида тузилган йиллик режалар асосида ишлайдилар.

1994 йил давомида эса 70 килограмм фойдали ҳашарот — трихо-

грамм, кўп миқдорда иқтисодий самара берди. Айни вақтда экологик ҳолатни яхшилашга ҳам салмоқли ҳисса қўшилди. Қўллаб деҳқонларнинг саломатлиги муҳофаза қилинди.

Ҳа, фабрикамиз жамоаси жуда фойдали, шу билан бирга хайрли ишни бажармоқда. Шунинг учун уларнинг меҳнати қадрига етиш, ишларига ҳар томонлама ёрдам бериш, қўлай шароитларни, барча имкониятларни муҳайе қилиш лозим.

Шу ерда узининг изланишлари, сидқидилдан қилаётган фидокорона меҳнатлари билан кўпчилигининг ҳурматиға сазовор бўлган айрим ишчи-хизматчилар номини қайд қилиб ўтишни лозим, деб ҳисоблаймиз. Малакали мутахассислар Раҳматилла Нурбеков, Дилором Усарова, София Холиқова, Хурниса Жураева, Зоир Усмоновлар шулар жумласидандир.

Жамоамиз бу йилда қилинадиган ишлар режасини белгилаб олди. Қишлоқ хужалик зараркундаларига қарши курашнинг биологик усулини қўлланишни кенгайтириб бораверади. Бунинг учун, аввало, хом ашё таъминотини пухта йўлга қўйиш лозим. Фойдали ҳашаротларни кўпайтириш учун зарур бўлган озуқа маҳсулотлари етарли етказиб берилса айни муддао бўларди. Шунда жамоамиз иш ҳажмини муттасил ошириб боришга, зараркундалар қўшандаларини янада кўпроқ етиштиришга, уларнинг янги турларини узоқтиришга эришади. Бу эса ҳар томонлама фойдали бўлиб атроф муҳит мусоф-фолигини таъминлашнинг ҳам муҳим омилдир.

М. ЭГМНАЗАРОВ,
Фабрика бош ҳисобчиси.



Қибрай туманидаги 15-мактабда экология тўғрисида ишлаб турипти. Унга шу билим юртининг тажрибали ўқитувчиси Гавҳар Икромов раҳбарлик қилмоқда. Олий тоифадаги биология ва кимё муаллими ўттиз йилдан бери шу соҳада фаолият кўрсатади. У ўқувчилар билан бирга сув ҳавзалари ресурсларини, ўсимликлар ва ҳайвонлар олами сирларини ўрганиш билан шугулланмоқда. Суратда: Г.Икромов ва ҳайвонлар олами сирларини ўрганиш билан шугулланмоқда. Суратда: Г.Икромов ва ҳайвонлар олами сирларини ўрганиш билан шугулланмоқда.

Р. АЛБЕКОВ олган сурат.

ТЕКШИРИШ ИМАЛАРИНИ КЎРСАТДИ?

ТУМАНИМИЗДА атроф муҳитни ифлослантираётган унлаб манбалар бор. Корхоналар, ташкилотлар, хужаликлар, ширкатлар шулар жумласидандир. Уларда табиатни муҳофаза қилиш бўйича ишлар ҳам олиб боришмоқда. Лекин, умуман олганда табиатни муҳофаза қилиш ишларини кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Бу соҳада ҳали жуда кўп камчиликлар бор.

Ҳар гал текшириш ўтказилганда табиатни муҳофаза қилиш қонун-қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланади ва уларни бартараф этиш юзасидан тегишли курсатмалар берилиб, муддатлари белгиланади. Кўп жойларда бунга эътибор билан қаралмоқда. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар қўриляпти.

Бироқ, ҳали ҳам шундай раҳбарлар ва масъул кишилар борки, улар бу масалага етарли эътибор бермайдилар. Ижронинг бажарилишини текшириш бўйича қўрилган тадбир илгари қайд қилинган айрим камчиликлар бартараф этилмаганлигини кўрсатди. Масалан, Ким Пен Ха номили халқ корпорациясида ҳамон оқаваларни ортқича оқишти йўлга қўйилмоқда. Илгари ўтказилган текширишда уни бартараф этиш лозимлиги ўқитрилган эди. Масалан, бефарқ муносабатда бўлган жамоа хужалиги раиси ўрта энг кам маош ҳисобида жарима билан жазоланди. Шу хужаликдаги ва оқаваларни қўллаб оқизтаган «Бахт» саройининг фаолияти тўхтатиб қўйилди.

Тошкент аграр дорилфунунининг ўқув хужалиги директори М. Чинтошев табиатни муҳофаза қилиш бўйича ўтган йили белгиланган тадбирларни амалга оширмагани ҳамда зарарли моддаларни оқизтишга рухсат олмаганлиги учун 315 сум миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлди. «Роватка» жамоа хужалигининг раиси М. Ўбайдуллаев ва «Северний маяк» жамоа хужалиги раиси С. Котай табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг курсатмалари ва қарорларини бажармаганликлари учун қаттиқ оғоҳланганди. «Янги турмуш» жамоа хужалиги раиси У. Азаматов қўмитанинг минерал ўғитлари ва заҳарли кимёвий моддалар сақланадиган оғир ўқув санитария паспортини ўз вақтида расмийлаштириш тўғрисидаги талабини инобатга олмайди. Бу унга қиммат тўшди. Ҳаменидан 315 сум миқдорда жарима тўлади.

Бундан ташқари қўмитанинг табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя қилиш тўғрисидаги курсатмаларини бажармаган қатор хужаликлар раҳбарларига нисбатан маъмурий чоралар қўриш учун тайёрланган ҳужжатлар мутасадди ташкилотлар ҳуқуқиға ҳавола этилди.

Д. ҚАҲҚОРОВ,
Ўрта ҳисобчи, тумани.

ЁШЛИКДАН КЎНИКМА ҲОСИЛ ҚИЛАЙЛИК

ЧИНОЗДАГИ умумий таълим мактабларида экологик таълимни таъминлаштиришга эътибор тобора кўчмоқда. Айниқса, 40-урта мактабда бу соҳада олиб борилаётган ишлар тахсинга сазовордир. Ўқув юртида экологик дарслардан ташқари турли-туман тадбирлар амалга оширилмоқдаки, буларнинг ҳаммаси ўқувчиларда табиатни асраб-авайлашга қаратилган кўникмаларнинг тарбияланишига ёрдам бермоқда. Шунинг учун ҳам мактаб жамоаси республика ва вилоят бўйича табиатни муҳофаза қилиш юзасидан ташкил этилган турли курик-танловларда мукофотли уринларни эгалламоқда. Чиноз тумани эса доим ғолиб чиқмоқда. Бунда биология ўқитувчиси Барно Солиеванинг хизматлари катта. У узининг иш тажрибаси ҳақида қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди: — Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин табиатни муҳофаза қилиш масалаларига эътибор ниҳоятда кўчди. Бу ҳақда махсус қонун қабул қилинди, қатор қарорлар чиқарилди. Бу ҳужжатларда урта мактабларда ҳам экологик таълимни кўчатириш, ўқувчиларда табиатга асраб-авайлаш муносабатда бўлиш кўникмаларини ҳосил қилиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шуни ҳисобга олиб, мактабимизда ҳам бу соҳадаги ишлар қўлама

келгайиб бормоқда. Аввало шунини айтиш керакки, бизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ўқувчиларни жалб қилиш аниқ илгари бошланган эди. 1978 йилда экологик жамият тузган эдик. Бу жамиятга аъзо бўлган ўнлаб ўқувчилар ва ўқувчилар тевақат-атрофни мусоффо сақлаш, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг айрим вакиллари парвариш қилиш билан шугулланар эдилар. Лекин янги талабларни ҳисобга олиб уни кенгайтиришга қарор қилдик ҳамда махсус экологик тўғрақ туз-

дик. Тўғрақда дастлаб юқори синф ўқувчилари қатнашдилар. Кейинчалик уларнинг сафи кенгайиб борди. Ҳозир барча синф ўқувчилари унда иштирок этмоқдалар. Айни вақтда ўқувчилар ҳам унинг аъзолари ҳисобланишади.

Тўғрақ иштирокчилари турфа гулларни парвариш қилмоқдалар. Мактаб атрофини ҳамда унга яқин жойлашган Дустлик ва Охунбобоев маҳаллаларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда тозалаш ишларида фаол иштирок этмоқдалар. Хонадонларда бўлиб, атроф муҳитни мусоффо сақлаш зарурлиги ва бу аввало уларда яшовчи кишилар учун фойдали эканлиги ҳақида тушунириш ишларини олиб бормоқдалар.

Бу йил ҳам маҳаллаларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ёрдам бердик. Маҳаллалар ичидан утадиган ариқлар ва қўчаларни тозалашда иштирок этдик. Ўқувчиларимиз туман марказидаги У. Юсупов номи истироҳат ва дам олиш боғини оталиққа олишган. Уни озода сақлаш, доим саранжом-сарипта бўлиши улар зиммасида. Бу ерда тез-тез шанбаликлар ўтказиб турамыз. Бу шанбаликларда дарахт ва гул қўчатлари ўтказилади. Хотира қўнларида Саидгози бува мазо-

ли тўзалашда қатнашамиз. Ўқувчиларимиз маҳаллалардаги ёлғиз, боқувчиси йўқ, суққабош кексаларга ҳам ёрдам беришяпти. Юқори синф ўқувчилари ҳафтада 2 марта навбати билан уларнинг уйлариға борадилар. Қовиллари ва уйлариғи супуриб-сидирадилар, қирларини ювишади, овқатларидан ҳазар олиб туришади. Зарур бўлса бозор-учарларга, дўконларга бориб келишади.


Бу йил табиат ошиғи бўлган ўқувчилар яна бир хайрли ишга қўл ўрдилар. Мактабимиз енида боғ ташкил этишга киришдик. Бу йил бу боғга 20 туп мевали дарахт қўчатлари, 100 та яқин турли-туман гул қўчатлари эдик. Бу боғни янада кенгайтириш ниятимиз бор. Ҳозирнинг ўзида унинг ҳақми 20 сотихга етди.

Биз экологик тарбияни табиатни

муҳофаза қилиш билан бирга қўшиб олиб бормоқдамиз. Юқорида келтирилган мисоллар ҳам шундан далолат беради. Мана салкам 10 йилдирки, мактабда жонли бурчак ишлаб турибди. Унда аквариум баликлари ва қўшлар боқилмоқда. Тути ва қорейкалар, товуслар, қирғовуллар ва бошқа шу каби ноёб қўшлар бор. Барча синфларда тувақларда гуллар устириляпти. Уларни ҳам тўғрагимиз аъзолари парвариш қилишяпти.

Бизда табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган турли кечалар ҳам тез-тез ўтказилиб туради. У яхши анъана бўлиб қолган. Кейинги вақтларда «Қўшлар байрами», «Ўсимликлар сўзлайди», «Диққат, Орол қирмоқда», «Оролни асранг», «Орол тақдирини — бизнинг тақдиримиз» деган кеча ва конференциялар ўтказилди. Уларда бевосита ўқувчиларнинг ўзлари турли хил мавзуларда маъруза қилишди.

Инсон ҳам табиатнинг жонли бир вакилидир. Шунинг учун уни асраб-авайлаш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи бўлиб қолиши лозим. Шунинг учун ҳам ҳар бир фуқарода ёш-лигидан — болалар боғчасидан, мактабдан табиатни муҳофаза қилиш, уни асраб-авайлаш ва ардоқлаш кўникмаларини тарбиялашнинг аҳамияти каттадир. Биз шунини эсдан чиқармаслигимиз зарур. Албатта, экологик таълим соҳасида олиб бораётган ишларимизни ҳозирги юксак талаблар даражасига етказиш учун ҳали кўп тер туқишимиз лозим. Лекин, биз бу йўлдан қайтмаймиз. Чунки унинг аҳамияти бекиёсдир.



● КУРРАИ ЗАМИНИМИЗ ТАЪРИФ-ТАВСИФИДАН БИР ШИНГИЛ

Бу қизиқ

ҲАММАСИ — ЕР ҲАҚИДА

ҲОЗИРГИ вақтда курраи заминимизда беш миллиард нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Ҳар биримизни ернинг пайдо бўлиши, ёши ва бошқа унга тегишли маълумотлар жуда қизиқтирса керак.

ЕРНИНГ ёши ҳақида турли-туман фикрлар бор. Жумладан, христиан ақоидчилари уни худо эрамиздан аввалги 4004 йилнинг 23 октябрида «яратган» деб даъво қиладилар. Бу даъво ҳам бошқа диний даъволар каби асоссиз ҳамда нотўғридир. Радиоактив моддаларнинг кашф этилиши ернинг ёшини фан йули билан аниқлаш имкониятини берди. Шу моддаларни кашф этган М. С. Кюри ҳамда П. Кюриларнинг бу борадаги хизматлари каттадир.

Ураннынг парчаланиш хусусиятидан келиб чиқиб (бу модда жуда секин, лекин, доимий тезлик билан парчаланади), ернинг ёши 5 миллиард йил деб тахмин қилинади.

КУРРАИ заминимиз 510 миллион квадрат километр майдонни эгаллаб турибди. Унинг 149 миллион квадрат километрини қуруқликлар ва 361 миллион квадрат километрини океанлар ташкил этади. Ҳа, ер юзининг 71 фоизи сув билан қопланган бўлиб, фақат 29 фоизи қуруқликлардан иборатдир. Агар тайёрада экватор бўйлаб дунени айлана сарҳат қилсак, йўлимизнинг тўртдан бир қисмида қуруқликлар устидан, тўртдан уч қисмида эса океанлар устидан учиб утган булар эдик.

БУНДОҚ қараганда еримиз жуда каттага ухшайди. Агар уни қуёшга солиштирсак ниҳоятда кичик бўлиб қуринади. Шунинг билан кифояки, ернинг диаметри қуёш диамет-

ридан тахминан 109 марта кичикдир. Шундай бўлгач ернинг сатҳи қуёш сатҳидан деярли 12 минг марта, ҳажми эса тахминан 1300 марта кичикдир.


ЕР КУРРАСИДАГИ барча музликларнинг умумий ҳажми 26 миллион 660 минг куб километрни ташкил этади. Агар улар эритилса, 24 миллион куб километр сув ҳосил бўлади.

Музнинг асосий қисми — 23 миллион 820 куб километр Жанубий Қутбдаги Антарктидада жойлашган. Бу муз ҳажми бутун ер юзидаги барча дарёлардан 650 йил мобайнида оқиб утадиган сув миқдорига тенгдир. Агар қуруқликдаги ҳамма музликлар эритиб юборилса, дунё уммининг сатҳи 66,3 метрга кўтариларди.

ЕР ЮЗИДА энг иссиқ жой Ливиянинг Триполи шаҳрига яқин бўлиб, бу ерда иссиқлик ҳарорати 58 даражагача етиши аниқланган.

Шунингдек, Калифорния ва Невада штатлари чегарасидаги Мохаве чулининг бир қисми — Ажал водийси ҳам энг иссиқ жойлардан ҳисобланади. Бу водийда йилнинг 365 кунидан деярли 350 кун очик, булутсиз бўлади ва иссиқлик 57 даражагача етади.

Курраи заминимизнинг совуқ жойи Антарктида қитъасидир. Унинг айрим жойларида совуқ 88,3 даражагача боради. Ҳозирга қадар ер юзининг ҳеч бир жойида бундай совуқ кузатилмаган.



Кишлоқ йўлида.

А. АБАЛҲАН олган сурат.

Ҳар тўғрида ОВРУПОДА ЭНГ КЕКСА

● ФРАНЦИЯ ўз фуқароси Жанна Калмэн таваллудининг 120 йиллигини байрам қилди. Жанубдаги Арль шаҳрида истиқомат қилувчи бу момони ҳамюртлари Франциядагина эмас, ҳатто, Оврупода ҳам энг кекса, деб ҳисоблайдилар. Унинг утган асрда оламга келганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тегишли муҳр билан тасдиқланганлиги ҳам эътиборга лойиқдир. Унда ҳақиқатдан ҳам Жанна 1875 йилнинг 21 февралда таваллуд топганлиги қайд қилинган.

Жаннанинг ота-онаси ҳам узок умр куришган. Жанна фаол ҳаёт кечирган, турли туман таомлар истеъмол қилган, қаттиқ руҳий ҳодисаларга учрамаган. Бунинг устига у ҳар кун гимнастика билан шуғулланган, теннис уйнаган, юз ёшга киргунча велосипедда сайр қилган.

Ҳозирги вақтда Францияда юз йиллик маррадан утган кишилар беш минг нафарга яқинлашиб қолади. Таниқли француз герантолог

Сўраган эдингиз

Бир суҳбат вақтида қовун дарахти ҳақидаги гапни эшитиб қолдим. Ҳақиқатдан тепасида қовун пишадиган шундай дарахт борми? У қаерларда ва қандай ўсади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

И. САМАНДАРОВ,
Тошкент шаҳри

ҚОВУН ДАРАХТИ

ҲА, шундай дарахт бор. Унинг меваси қуринишдан кичкина қовунни эслатади. Шунинг учун ҳам уни қовун дарахти деб аташга урганиб қолинган. Аслида эса унинг номи папайядир. У тропик Америка усимликлари дунёсининг вакили ҳисобланади. Шу жойда уни ўз номи билан папайя дейишади.

Папайя танаси кулранг — жигарранг тусда бўлиб баландлиги ўн метргача боради. Дарахт шохлари учидан қуркам, йирик, жимжимадор барглари бўлади. Дарахтнинг юқори шохларида ташқи қуринишдан унча катта бўлмаган қовунга жуда ухшаш мевалари пишиб етилади.

Унинг териси қовунникига қараганда анча юмшоқ, гушти эса ёрқин туқ сариқ рангда бўлади. Деярли ҳиди бўлмайди бироқ анча ширалидир. Папайяни ҳомлигида унга лимон шарбатини қушиб тановул қилинади. Шунингдек ундан турли-туман ва мазали таомлар тайёрланади.

Яхши парвариш қилинса ҳар

бир дарахтдан бир мавсум давомида юзгача мева олиш мумкин. Бироқ унинг ҳосил берадиган даври анча қисқа бўлиб тўрт — беш йилни ташкил этади ҳолос. Шундан кейин дарахт қуриб қолади. Папайяни уруғидан қупайтирадилар. Бу уруғлар катта қора муруч доналарини эслатади. Уруғлар бир неча йилдан кейин ҳам униб чиқиш хусусиятини йўқотмайди. Шунинг учун янги папайя майдонларини барпо этиш қийин эмас. Уруғлари тез униб чиқиб уса бошлайди орадан бир йил — бир ярим йил утар — утмас ҳосилга қиради.

Ҳозирги вақтда бундай мевали дарахт ўз макони доирасидан чиқиб курраи заминимизнинг бошқа қитъаларида ҳам кенг қўламда етиштирилмоқда. Унинг «оёғи» вилоятимизга етиб келди. У Тошкент туманидаги Ғуломмахмуд Абдуллаев номли жамоа ҳужалигининг иссиқхонасида устирилиб меваси олинмоқда.

Ҳар тўғрида

ми Мишель Алларнинг фикрича, бундай кишилар сафи бундан буён янада кенгайиб бораверади. Бу Францияда тиббиётнинг ривожланганлиги ва турмуш даражасининг ортиши билан боғлиқдир. Олимнинг айтишича, келгуси аср ургаларига бориб уларнинг сони юз минг кишига етади.


ДЕЛЬФИНЛАРГА ЯНА БИР ТАСАННО

● БОЛГАРИЯНИНГ қуруқ юк ташувчи «Плевен» кемаси Атлантика уммонида сузиб борарди. Муқаллас Елена оролига 300 миля қолганида кучли пуртана юз берди. Шу вақтда денгизчи Иван Едрев кубрикдан кема сатҳига чиққан ҳам эдики, кескин тўртки юз берди ва денгизчи кемадан учиб кетди.

Шу заҳотиёқ бечорани беш ёки


олтига дельфин тудаси қуршади. Уларнинг бири денгизчи тагига шунгиб, уни устига чиқариб олди. Шу вақт ҳалоскорлар ўз тилларида «чугурлашиб» қолдилар. Иккита йирик ақула шу томонга яқинлашиб келаётган экан. Едрев дельфинлар билан ақулар уртасидаги жангни хавотирланиб кузатарди. Ниҳоят ваҳшийлар «жуфтакни ростлаб» қолди. Голиблар эса денгизчини кўтариб турган дельфин атрофида айланиб юришарди. Ниҳоят, қўтқариш қайғи етиб келгач, инсонга дўстлигини кўп марта намойиш қилган дельфинлар бу гал ҳам хайрлашиб чоғида нимадир деб чугурлашдилар-да, куздан гойиб бўлдилар. Бу воқеа «Гамбургер абендблат» немис газетасида ҳикоя қилинди.

Ушбу саҳифа материалларини вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда «Тошкент ҳақиқати» газетаси ходимлари тайёрлашган.



Кизилкум чўлларида.

Э. РАҲИМОВ олган сурат.



• Туркистон — умумий уйимиз

ҚОНДОШМИЗ — ЖОНДОШМИЗ

Инсон табиятан ҳаммаша-ҳамруз, эзгуликка, яхшиликка ташна бўлиб келган. Ҳар бир даврда ҳар бир худуд, минтақанинг ўз муътабар қомил инсонлари бўлиб, улар одамлардаги ана шу эҳтиёжни қондириш йулида бутун куч-ғайратларини, иқтидорларини сарфлаб, ҳаётларини бахшида этиб келганлар. Ана шундайлардан бири қозоқ халқининг улуг фарзанди Тулабидир. Бундай инсонлар ҳеч вақт амал талашмаганлар, миллат суриштирмаганлар. Миллат бу нисбий маънодаги тушунчадир. Аслида бизнинг ҳар биримиз яратганининг бандаларимиз-ку. Шундай бўлгач, биримиз-иккинчимизга суяниб, мадаккор бўлиб яшашимиз керак. Ана шунда қийинчиликларни, ҳаётда учраб турадиган мушкулотларни осонлик билан енгимиз. Қомил инсонларнинг фалсафаси ана шундай.

Тулаби ана шундай инсонларнинг олдинги сафлариди туради. У 1663 йилда туғилиб, 1756 йилда вафот этган. 96 йил умр кўрган. У жуда кўп эзгу ишларни хотира қилиб қолдирди. Узи ҳокимлик қилиб турган пайтда Чимкент, Туркистон, Тошкент шаҳарларида катта ободончилик ишларини амалга оширди. Энг муҳими шунки, у бутун умри, ҳаёти давомида миллий тотувликни тарғиб қилди ва энг биринчи навбатда бунга узи амал қилди. Эй, ўзбек, қирғиз биродарларим, дустиниқ бўлайлик. Бир екадан бош чиқарсак, четдан келадиган ҳар қандай ёв бизга бас келолмайди.

У элда Қалдирғочби номи билан ҳам машҳур бўлган. Бу ном унинг меҳр-шафқатли ута инсонийлиги, одамийлигига ишорадир. Бу ҳақдаги ривоятни сизларга яна бир бор эслатмоқчимиз. Тарихдан маълумки, Тошкентта душмандлар бир неча бор ҳужум қилишган. Қалмоқлар ҳам Тошкент шаҳрини босиб олмоқчи бўлиб кўп уринишган. Ана шундай ҳужумлардан бирида аҳоли куч-қуронини қўтариб шаҳарни ташлаб чиқиб кета бошлаган. Лекин Тулаби ўз уйида ҳеч нарса қурмагандек, билмагандек мағрур ўтираркан. Қалмоқлар саркардаси буни қўриб ҳайратдан ека ушлаган.

— Ажабо, сиз нега пинагингизни бузмай, кетмай ўтирибсиз?

— Бу йил қалдирғоч уйимизга уя солиб, бола очди, — деб жавоб берган Тулаби. — Инсонга дустликда, яқинликда бу қўшга тенг келадигани йўқ. Шунинг учун уни ёлғиз ташлаб кетишга қўзим қиймади. Уя-



сининг бузиб юборилишини эп қўрмадим.

Саркарда Тулабининг бу саховати, аини пайтда жасоратига қойил қолган ва шу ондаёқ ўз лашкарларига: Шаҳарнинг бирон ерига тегилмасин, аҳолига зиён-заҳмат етказилмасин, деб буйруқ бериб, ўзи бошчилигида шаҳардан чиқиб кетишган. Ана шундан кейин Ту-

ланиш бор. Шу тариқа биз ҳар қандай мушкул масалаларни, муаммоларни ҳал қилишимиз мумкин. Олдимизга қўйлаётган мураккаб вазифаларни осонликча бажарилишини таъмин этишимиз учун катта имконият бу, — дейди Тошкент туманидаги Тулаби номи жамоа ҳужалиги фахрийлар тўрағаси кекса зиёли Исмоил ога Аузов.

Тошкент туманидаги Тулаби номи жамоа ҳужалигида бирлик, тотувлик, ҳамкорлик ажойиб самаралар бермоқда

лаби Қалдирғочби номи билан ҳам ата-ла бошлаган.

Қозоқ халқининг улуг фарзанди Тулаби орзу қилган қон-қардошлик, бирлик, жипслик бутунги мустақил Ўзбекистонимизда, ҳукуматимиз саяёҳаракати билан амалга оширилаётган ҳар бир эзгу ишларда бутун буй бастини намоиш қилиб ўзини кўрсатмоқда. Қадимий урф-одатларимиз тикланиб, барқарорлашди. Туркистон бизнинг уйимиз бўлган, ҳаммамиз қон-қардош бўлиб келганмиз, — деган гаплар рўй-роҳ айтилмоқда, баралла янграмоқда. Бу бежиз эмас, албатта.

— Ахир бирлик, ахиллик бор жойда барака бор, ўсиш, улғайиш, ривож-

лаш бор. Шу тариқа биз ҳар қандай мушкул масалаларни, муаммоларни ҳал қилишимиз мумкин. Олдимизга қўйлаётган мураккаб вазифаларни осонликча бажарилишини таъмин этишимиз учун катта имконият бу, — дейди Тошкент туманидаги Тулаби номи жамоа ҳужалиги фахрийлар тўрағаси кекса зиёли Исмоил ога Аузов.

Хақиқатан ҳам бу жамоа ҳужалиги фаолияти, у эришяётган ютуқлар мисолида бирлиكنинг, қон-қардошликнинг амалий, қурилишлари зоҳир бўлмоқда. Биз ҳужаликда бўлганимизда бир гуруҳ қариялар, фахрийлар, қозоқ, ўзбек миллатига мансуб бўлган оқсоқоллар, онахонлар ҳужалик бошқарув идораси олдидаги очик майдонда ўрнатилган Тулаби сиймосини зиёрат қилиб, ёлғорлик пойига гулчамбарлар қўяётганларининг устидан чиқиб қолдик. Бу табаррук инсоннинг руҳи покларини ҳар замон-ҳар замонда ёд этиб турсак, у бизни қўллаб-қувватлайди, эзгу ишларимизга ва уларнинг амалга ошишига ёрдам беради, дейишди отахонлар.

— Баъзан ҳайрон қоламан. Хуш, нега энди миллат ажратишимиз керак, — дейди шу ҳудудда туғилиб ўсган, 25 йил бригадирлик қилиб элга ризқ-рўз улашиб обур орттирган, халқнинг ҳўрматига сазовор бўлган Номоз ога Солиқов. — Ахир ҳаммамиз бир халқмиз, бир элмиз. Мен эсимни танибманки, бир-биримиз билан борди-келди қила-

миз, қўла-қўлағаймиз. Бундан кейин ҳам шундай бўлади. Фарзандларимизни ҳам шу руҳда тарбиялашимиз.

Умрзоқ ога Мирисоқов, Эрдэн Ундербеков, Абдували Гафуров, Нурмат Қосимов сингари қариялар ҳам «суҳбатдошларининг сузларини қўллаб қувватлашди».

Нафсиламбирини айтганидан бўлсак, бир вақтлари гуркирган бу жамоа ҳужалиги кейинги 5-6 йил ичида инқирозга учраб, иқтисодий жиҳатдан заифлашиб қолган. Мана қисқа вақт ичида қалдини тиклаб олди. Бунинг боиси битта. Туман ҳокимлиги ва ҳужаликнинг янги раҳбарияти сал бўлмаса топталиб, камситилаётган урф-одатларимизни қайта тиклади, жой-жойига қўйди. Бирлашиб, жипсликни асосий шўр, байроқ қилиб олди.

— Ҳозирги қийин бозор иқтисоди шароитида бундан бошқача йўл ҳам бўлиши мумкин эмас, — дейди жамоа ҳужалиги раиси Султон Ҳамидов, — Сеники-меники деган гап ортиқчадир. Мана бизнинг ҳужалик Қозогистон ва унинг Сарноғоч тумани билан чегарадош. Қўшимиз. Чегарадош деярмиз у, лекин чегаранинг ўзи йўқ. Уртада кичкина бир ариқ бор ҳолос. Биз бир неча ҳужаликлар билан узаро шартнома тузганимиз. Шартноманинг мазмунини, моҳиятини шундай, бор нарсаларимизни биримиз иккинчимиздан аямимиз, биримиз иккинчимизни тўлдиримиз, бойнатамиз. Масалан, «Иттифок» жамоа ҳужалиги бизга 20 гектар ер ажратиб берди. У ерда силос учун маккажўхори экиб ўстирмоқдамиз. Қарл Маркс номи жамоа ҳужалиги билан эса, жуда эскидан борди-келди қиламиз. Бир-бирларимиз билан ака-укадек бўлиб кетганмиз. Уларга биз сабзавотчилик тажрибаларини ургатамиз. Ургатиш қуруқ бўлмайди. Қўшани, уруғни етказиб берамиз. Экинча, парвариш қилишга қарашамиз. Улар бизга 100 гектар бедзорларини ажратиб беришди, биринчи урими сизларники дейишди. Бундан ташқари техникаларни таъмирлаш, эҳтиёт қисмларни етказиб беришда ҳам бир-биримиздан қў-

магимизни аямаямиз. 130 гектар ерга галла экканмиз. Тельманликлар комбайндан ердам беришди.

Бу жамоа ҳужалигида меҳнат қилаётган деҳқонларнинг кўпчилигини қозоқлар ташкил этади. Улар ўзбек оғалари билан узаро ҳамфикр ҳаммаслаҳат бўлиб тотувликда меҳнат қилаётганликлари учун ҳам оқсак қолган сабзавотчилик ривожланиш йўлига тушиб олди. Буни ҳозирги кундаги ишлар мисолида кўриш мумкин. 214 гектар ерга экинган эртанги сабзавот, қарам, пийез, картошка, помидор экинлари, 60 гектар майдондаги турли сабзавотлар ҳосили яхши бўлмоқда.

Ҳужаликда бошқа тармоқлар ҳам ривожланиб, иқтисодиёт мустаҳкамланмоқда.

Миллатлараро тотувлик, ҳамкорлик биргина бу жамоа ҳужалиги фаолиятида эмас, умуман туман миқёсида яхши самаралар бермоқда.

— Ҳовли олма, қўшин ол, — деган гап бор, — дейди туман ҳокими Рустам Акбаров. — Қозоқлар бизнинг ен қўшинларимиз бўлганлиги билан фахрланамиз. Улар билан мустаҳкам алоқа ўрнатганимиз. Ҳар бир ишда, ҳар бир соҳада ҳамкорлик қиламиз. Уларнинг яхши қўнларида ҳам, тўймақчаларида ҳам бирга бўламиз. Улар ҳам бизга тез-тез меҳмон бўлиб келиб туришади. Яхши, қимматли маслаҳатлар беришади. Ҳозир шундайки, мустақиллиқнинг амалий меҳнат билан мустаҳкамлаб мақсадга эришиш мумкин. Бунда дустлик, қон-қардошлик ришталарининг мустаҳкамлиги, узаро ҳамкорлик, қон-қардошлик амалий натижалар бераётганлигини мамнуният билан айтиб ўтиш керак.

Ҳақ гап. Қон-қардошлик ҳар бир тадбирда, ҳар бир ишда халқ ҳужалигининг барча тармоқларида бўлганидек, катта режаларни ҳаёта талбиқ этишда улуг ва қудратли куч бўлиб хизмат қилаётир.

Н. РИХСІЕВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг маҳорат муҳбири.

• Қозоқ халқининг шонли фарзанди Тулаби хотираси доимо эъзозланиб ёта олинмади. Жамоа ҳужалигидаги унинг ёлғорлиги олдидан зиёратчилар аримайди.

• Қозоқ ва ўзбек халқи вакиллари бу ерда ҳаммаша қардон дуст ва биродарларлар. Даврон АҲМАД олган сўбатлар.



ДИЙДОРЛАШУВ БАЙРАМИГА АЙЛАНАДИ

(Боши 1-бетда).

— Кўнларнинг дастури, ундан ўрин олган асосий тадбирлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Биласизки, Қозогистон — улкан мамлакат. Биз дастурни ишлаб чиқишда мана шу ҳолни назарда тутдик, яъни бепоён улканнинг ҳар бир минтақасини қамраб олишга ҳаракат қилдик. Унга қўра, ўзбекистонлик меҳмонлар олти гуруҳга бўлиниб, Тошкент, Қарағанда, Тўрғай, Чимкент, Қизилўрда ва Жамбул вилоятларида бўлади. Ҳар бир гуруҳ таркибда фан ва маданият намоёндалари,

ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, санъаткорлар бўлиб, улар меҳнат жамоаларида, билим масканларида, жамоат ташкилотларида учрашув ва суҳбатлар ўтказадилар. Қўрағамлар ташкил этилади. Шуниси диққатга сазоворки, намоиш этиладиган дустлик концертларида ўзбек ва қозоқ санъаткорлари тенг иштирок этишади. Бунда ҳам ўзига хос рамзий маъно зоҳир.

Қозогистонда Ўзбекистон Республикаси кўнларининг тантанали очилиши 20 май кўни Алматидаги республика саройида бўлади. У ўзбек ва қозоқ

санъат усталарининг катта концерти билан якунланади.

Шу кўни Қозогистон пойтахтида «Интеграция—95» кўрағамаси очилади. Бир ҳафта давомида бу ерда халқ ҳужалигининг турли соҳаларида Ўзбекистон эришган ютуқлар намоиш этилади. Халқ амалий санъати кўрағамаси эса ҳунармандларнинг бетакрор санъати намуналари билан таништилади. Машҳур «Ялла» дастаси, Ҳамза номидаги академик театр, «Шодлик» ансамбли, ўзбек киночилари ўз дастурларини санъат ихлосмандлари эътибори-

га ҳавола этадилар. Бундан ташқари, тадбиркорлар, ишлаб чиқариш соҳалари вакиллариининг интеграцияни чуқурлаштириш борасидаги амалий суҳбатлари, узаро тажриба алмашувлари ҳам дастурда кўзда тутилган.

Муҳими, халқда меҳр—қўда деган гап бор. Яширишнинг ҳолати йўқ, мустақил давлатчилик тикланиши дастлабки йилларида утиш даври мураккабликлари сабаб орадаги борди-келди бироз сийрак тортиб қолган эди. Шўқр, Президентларимизнинг саяёҳаракати, халқ хоҳиш-иродасига қўлоқ тутиб иш қўриши натижасида Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон Республикалари ўртасида ягона иқтисодий ҳудуд барпо этилди. Бир қанча сўний тўсиқлар олиб ташланди. Мана, бутун эса бир-биримизда дустлик байрамларини ўтказиш-

дек хайрли кўнларга ҳам етиб келдик.

Президент Ислам Каримов Республика Олий Мажлисининг иккинчи сессиясидаги нутқида «Тасаввур қилингки, ота-юртимиз Туркистон катта бир ўй, буюк бир рўзгор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанча яқин ва аҳил бўлса, рўзгор ҳам шунчалик обод ва туқин бўлади» дея таъкидлаган эди. Уйлайманки, Қозогистонда утажак Ўзбекистон Республикаси кўнлари ҳам халқларимиз қалбидида ана шу асрий дустлик, қардошлиқ тўйгуларини янада қамол топтиришга, ҳамкорлик, елкадошлиқ ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Аҳмад ХУЖА Сўхбатлашди.
(У.А.)



ҒАЛАБА НОМИДАГИ БОҒ

Барча қатори бўқалиқлар ҳам Ғалабанинг 50 йиллиги байрамини кенг нишонладилар. Байрам тонгида туман марказидаги «Мотамсаро она» ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйилди. Бўқадан урушга кетиб, қайтиб келмаган мард ва жасур фарзандлар ёдга олинди. Уруш фахрийлари эъзозланди. Шу куни фахрийлар иштирокида «Ғалабанинг 50 йиллиги» номи билан аталувчи янги боғнинг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Суратда: байрамдан лавҳалар.

С. ЗУФАРОВ олган суратлар.



МАЪРИФИЙ КЕЧА

ЗАНГИОТА туманида «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» мавзuida бадиий-маърифий кеча бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ депутаты, ёзувчи Уткир Хошимов иштирок этиб, «Ўзбекистон — келажак буюк давлат» мавзuida қизиқarli маъруза қилди.

«Ислон нури» газетасининг бош муҳаррири Абдураззоқ Хожининг «Ватанни севмоқ иймондандир» деб номланган маърузаси эса Ватанга муҳаббат, қадриятларга муносабат ва бугунги кун

ешларини тарбиялаш масалаларига бағишланди. Туман бадиий ҳаваскорлари узларининг ранг-баранг дастурлари билан кеча мазмунини янада бойитдилар.

Туман қасаба уюшмалари, маданият ва халқ таълими бўлимлари, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ марказининг вилоят бўлими ҳамкорлиқда утказган бу хайрли тadbир Ғалабанинг 50 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда узиға хос аҳамият касб этди.

Турмуш чорраҳаларида

ҚАРЗ

ПАДАРИ бузрукворимиз 90 дан ошиб (Яратаннинг узи раҳматига олган бўлсин) оламдан ўтган эдилар. Бувам Умурзоқ тегиримончи ҳам минг ойдан зиёд умр қурган эканлар. Отам биз фарзандларга тез-тез насиҳат қилиб, уқтирардилар: Одам бўл, яхшилик қил, ҳунар эгалла. Икки дунёда хор бўлмайсан. У киши ўзгалар ҳақидан ниҳоятда қўрқардилар. Бу ҳақда ибратомуз ҳикоялар айтиб берардилар. Мана ушалардан бири. Бу воқеани отам бувам раҳматлиқдан эшитган эканлар...

Қадимда бир одам ноилжликдан бойдан қарз олиб, йўқчиликдан уни вақтида топшира олмабди. Бунинг устига узоқ муддат бетоб бўлиб қолибди. Тунукун ҳудуга нола қилармиш.

— Эй ҳудо, болаларим еш, ишқилиб буйнимда қарз билан олиб-нетиб қолмайин-да, узинг шифо бер, қарзимдан узилай. Оёққа тургач тунукун фикри-хаёли қарздан қутулиш бўлибди. Пулни тушлаб бойга минг ҳижолат, истиҳола билан элтган экан, у бошқача шарт қуйибди. Орадан шунча вақт ўтди, нарх-наво ўзгариб кетди. Қарзингни 10 ҳисса қилиб қайтарасан, дебди. Камбағал рози бўлмабди. Хуллас қозига боришибди. У одил ҳукм чиқариб берибди. Қарз олган вақтингизда омонатга қанча ботмон бугдой берган бўлса, ҳозир

да шунча бугдой қийматини тўлайсиз, — дебди. Бу ҳукмдан икки томон рози бўлибди. Бу бир ҳаётий гап-да. Ҳозир бозор иқтисоди деганларидек, эҳтимол бир вақтлари дўсти, қариндош-уруғидан қарз олиб қандай узилишни, қандай ҳисоб-китоб қилишни билмай юрганлар бўлиши мумкин. Биз ўйлаймизки ота-боболаримизнинг бу уйдумлари уларга қўл келиб қолса ажаб эмас...

ИШҚИБОЗ

ТОШКЕНТ зилзиласидан кейин кўпчилик қатори «Октябрь» масивидан участка олиб, уй-жой қуришни бошлаб юбордик. Тирик жонзот борки, гимирлагани-гимирлаган. Ҳамманинг фикри-хаёли тезроқ бошлана қуриб, қишчи-қировли кунларга қолмай кучиб кириб олиш. Усталарнинг эса қўли-қўлига тегмайди. Айниқса сувоқчи-ю, дурадгор танқис. Уйимиздан уч-тўрт хонадон юқоридаги Холида оpanикида зур уста ишлаётганмиш, деб эшитиб қолдим. Бориб гаплашиб келдим. Келаси ҳафта бизникида иш бошлашга ваъда берди. Икки уйнинг фанери ва жовонни қилиб бериш учун нархини ҳам келишдик. Эрта билан соат 9.00 да иш бошлаб, 18 да тугатар, тушликка роппа-роса соат бирда чиқарди. Шанба кўни барвақтроқ тугатар, яқланба кўни эса дам оларди. Бир суз билан айтганда, бамисоли бирор корхонада ишлаётгандек интизомга қатъий амал қиларди. Иш охирида қолганда саволга тутдим.

— Мана 2 уй фанерини қилиш учун 5 кун вақтинг кетди. Ҳар бир иш кунинг 25 сумданга айланди. Жавонга эса 1 ойдан бери уринасан. Кунлик иш ҳақинг аранг 4 сумга айланади.


— Тушундим нима демоқчилигингни. Саволингга савол билан жавоб қайтарсам. Мана сизларда қўлини енгига беркитиб, еки кўнжига тикиб оладиган кексалар (беданавозлар демоқчи) ёхуд уйқўни тарк этиб ярим кечада эшакдек келадиган итти етаклаб юрадиган успиринлар бора.

— Бор.
— Улар нега шундай қиладилар?
— Ишқибозлик...
— Ҳа баракалла. Мен ушанақа ишқибозман, жавон ясап ишқибозиман. Узим ясаб узим ҳузур қиламан, завқланаман. Тушундингми?

Мен унинг бу жавобидан лол қолдим. Уз касбининг ҳақиқий устаси, фидойиси эканлигига тан бердим.

Шу орада турмуш уртоғим устандан қўлайроқ стол ясаб беришни илтимос қилиб қолди. Жоним билан, деди. У ясаб берган жуда енгил, пишиқ, столдан ҳалигача ардоқли анжом сифатида фойдаланиб келяпмиз. Ҳар кўни «Володининг столи»га дастурхон солар эканмиз, яхши ҳунарли, кишининг иши умрбоқий эканлигига, узи эса ҳамиша одамлар билан бирга бўлишига яна бир бор ишонч ҳосил қиламан.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ФУТБОЛ
МУНОСИБ РАҚИБЛАР ЎЙИНИ

Олий табақа иштирокчиларининг навбатдаги саккизинчи турида икки пешқадам — «Нефчи» ва «Пахтакор» ўзаро учрашди. Фарғонада бўлган бу ўйин муҳлислар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Учрашувнинг 32-минутда пахтакорчи Д.Назаров ҳисобни очди. Мезбонлар учрашув тугашига атиги бир минут қолгандагина (С.Ни) ҳисобни тенглаштириб, мағлубиятдан қутулиб қолдилар. Қўқоннинг «Темирйўлчи» жамоасини 5:0 ҳисобида енгитган МХСК ҳам «Пахтакор» каби 17 очкога эга. Вилоятимиз вакиллари — «Политотдел» яна ютқазди. Ютқазганда ҳам йирик — 0:7 ҳисобида Бухорода «Нурафшон»дан енгилди. Ҳали бирон ўйинда голиб келмаган, саккиз учрашувнинг 6 тасида енгилган «Политотдел» жадвалнинг энг сунъи поғонасида бормоқда.

Шу турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» — «Янгйер» — 1:0, «Атласчи» — «Наврўз» — 3:2, «Чирчиқ» — АСК — 1:2, «Мапшбал» — «Трактор» — 0:0, «Навбахор» — «Сугдиёна» — 2:1.

ПЕШҚАДАМНИНГ ҚОҚИЛИШИ

Биринчи гуруҳ, иккинчи минтақада беш ўйиндан сунг 15 очко билан яқка пешқадамлик қилаётган «Ғазалкент» футболчилари кейинги икки турда бор — йўғи бир очкони қўлга кирита олдилар, холос. Тошкентда «Чилонзор» меҳмони бўлган «Ғазалкент» 1:2 ҳисобида мағлубиятга учрагач, ўз майдонида «Гулистон» жамоасини қабул қилди. Биринчи бўлимда иккита тўп утказиб юборган бустонлиқликлар иккинчи бўлимда аранг мағлубиятдан қутулиб қолдилар. Вилоятимизнинг иккинчи вакили «Маданият» футболчилари Ҳаққуллободда «Норин» меҳмони бўлиб, йирик 5:1 ҳисобида ғалабага эришдилар ва очколарини 14 тага етказдилар. Чирчиқнинг «Кимегар» футболчилар «Олтинкул» жамоасини 3:0 ҳисобида, Янгийўлнинг «Мебелчи» клуби эса «Қушон»ни 1:0 ҳисобида енгди.

Биринчи минтақада қатнашаётган Бекободнинг «Металлург» жамоаси эса Нукусда «Орол» меҳмони бўлиб 0:2 ҳисобида мағлубиятга учради.

ФРАНЦИЯДА ЎЗБЕК КУЙЛАРИ

Франция пойтахти Парижда ўзбек мусикачилари — Турғун ва Алишер Алиматов концертлари бўлиб ўтди.

Юсак маҳорат билан ижро этилган ўзбек миллий куйлари франциялик мусика ихлосмандларида катта таассурот қолдирди. Ўзбек халқининг бой ва сермазмун маданий меросига бўлган алоҳида қизиқиш Франция матбуотида ҳам акс этди.

Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги, мамлакатимизнинг Париждаги элчихонаси ҳамда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси қўшида ташкил этилган «Марказий Осиёни урганиш институту» ташаббуси билан утказиладиган бу хил тadbирлар икки халқ ўртасидаги маданий ҳамкорлик ривожига ҳисса қўшмоқда.

(ЎзА).

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
TOSKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир:
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Мачзиллими:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва аммавий
ишлар бўлими: 33-40-48
Эълонлар:
33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувларнинг факт ҳамда далилларининг тўғриллиги учун муаллифлар, рекламга ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.